

## ПОСТМОДЕРНИЗМ КОНЦЕПСИЯСИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

**Асадова Дилбархон Файзуллоевна***Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti**Turkiy xalqlar tarixi, madaniyati, siyosati va iqtisodiyoti kafedrası stajyor-o'qituvchisi*[dilbarkhon\\_asadova@mail.ru](mailto:dilbarkhon_asadova@mail.ru)

**Аннотация:** Ушбу илмий мақолада адабиётшунослик соҳасидаги энг янги йўналишлардан бири бўлган постмодерн йўналиши тадқиқ этилган. Постмодерн адабиёти ноанъавий ижтимоий ҳаёт адабиёти сифатида адабиётда пайдо бўлади. Постмодернизм назарийчилари янги йўналишни модернизмга қарши ҳаракат ўлароқ баҳолашса-да, у ўзининг асосий хусусиятларини модерн адабиётдан олади.

Шунингдек мақолада Постмодернизмнинг тарихи, Постмодерн адабиёт, Постмодерн тушунча, Постмодерн роман ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Постмодерн роман авангард шаклдаги экспериментлар, турли мафкуравий қарашлар билан уйғунлашган матнлар, янги руҳда яратилган илмий-фантастик ва детектив саргузашт романларидан иборат бўлиб, воқеалар кутилмаганлик хусусиятга эга бўлади, баъзан ердан ташқари макон ва замонларда содир бўлади. Постмодернизмда “вақт” тушунчасига алоҳида урғу берилади, унда вақт энди чизиқли эмас, балки нисбий аҳамият касб этади. Вақт инсонни бошқара олмайди, аксинча инсон вақтнинг бошқарувчисига айланади. Моддий-маънавий, руҳ-тана, физика-метафизика, абстракт-реал, ҳаёт-ўлим, ҳаққоний-фантастик, Шарқ-Ғарб каби кенг кўламли зиддиятларнинг умумлашмасидан янги бадиий олам яратилади.

Мақолада постмодерн романларга хос бўлган энг муҳим хусусиятлар, асосий элементлар, бадиий тамойиллар тадқиқ қилинган. Постмодерн матннинг энг муҳим хусусиятларидан бири бу ўйин ҳодисасидир. Интертекстуаллик эса постмодернизм структурасида муҳим элемент ҳисобланади. Шунингдек, постмодернизмда полифония, коллаж, хилма-хиллик, элита санъати ва оммавий маданият ўртасидаги масофани йўқотиш, санъат ва ҳаётни уйғунлаштириш, ёзиш жараёнида ўқувчини биргаликда ишлатиш, ўқиган нарсаси ҳақиқат эмас, балки ҳаёт маҳсули эканлигини доимий равишда эслатиб туриш, жанрлар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш каби элементлар мавжуд бўлади.

**Таянч сўз ва иборалар :** Постмодернизм, постмодерн роман, мотив, ровийлар, полифония, коллаж, ўйин ҳодисаси, пародия, пастиш, интертекстуаллик

**КОНЦЕПСИЯ И ПРИНЦИПЫ ПОСТМОДЕРНИЗМА**

**Аннотация:** В данной научной статье исследуется постмодернистское направление, одно из новейших направлений в области литературоведения. Постмодернистская литература выступает в литературе как нетрадиционная литература социальной жизни. Хотя теоретики постмодернизма оценивают новое

направление как движение против модернизма, свои основные характеристики оно берет из современной литературы.

В статье также представлена информация об истории постмодернизма, постмодернистской литературе, постмодернистской концепции, постмодернистском романе. Постмодернистский роман состоит из экспериментов авангардной формы, текстов, сочетающихся с разными идеологическими взглядами, научно-фантастических и детективно-приключенческих романов, созданных в новом духе, события неожиданны, порой происходят во внеземном пространстве и времени. В постмодернизме особое внимание уделяется понятию «время», где время уже не линейно, а относительно. Время не может управлять человеком, вместо этого человек становится распорядителем времени. Новая художественная вселенная создается из суммирования масштабных противоречий, таких как материальное-духовное, душа-тело, физика-метафизика, абстрактное-реальное, жизнь-смерть, фактическое-фантазия, Восток-Запад.

В статье рассматриваются важнейшие черты, основные элементы и художественные принципы, характерные для постмодернистских романов. Одной из важнейших особенностей постмодернистского текста является феномен игры. Интертекстуальность является важным элементом в структуре постмодернизма. Также в постмодернизме будут такие элементы, как полифония, коллаж, разнообразие, устранение дистанции между элитарным искусством и массовой культурой, примирение искусства и жизни, совместное использование чтеца в процессе письма, постоянное напоминание о том, что читаемое не является реальность, а продукт воображения, устранение конфликтов между жанрами.

**Ключевые слова и фразы:** Постмодернизм, постмодернистский роман, мотив, повествователи, полифония, коллаж, феномен игры, пародия, пастиш, интертекстуальность.

## THE CONCEPT AND PRINCIPLES OF POSTMODERNISM

**Abstract:** This scientific article explores the postmodern trend, one of the newest trends in the field of literary criticism. Postmodern literature appears in literature as non-traditional literature of social life. Although postmodernist theorists regard the new movement as a movement against modernism, it takes its main characteristics from contemporary literature.

The article also provides information about the history of postmodernism, postmodern literature, postmodern concept, postmodern novel. The postmodern novel consists of experiments in avant-garde form, texts combined with different ideological views, science fiction and detective-adventure novels created in a new spirit, events are unexpected, sometimes taking place in extraterrestrial space and time. In postmodernism, special attention is paid to the concept of "time", where time is no longer linear, but relative. Time cannot control a person; instead, a person becomes the manager of time. A new artistic universe is created from the summation of large-scale contradictions, such as material-spiritual, soul-body, physics-metaphysics, abstract-real, life-death, actual-fantasy, East-West.

*The article discusses the most important features, basic elements and artistic principles characteristic of postmodern novels. One of the most important features of the postmodern text is the phenomenon of play. Intertextuality is an important element in the structure of postmodernism. Also in postmodernism there will be such elements as polyphony, collage, diversity, the elimination of distance between elite art and popular culture, the reconciliation of art and life, the sharing of the reader in the process of writing, the constant reminder that what is read is not reality, but a product of the imagination, elimination of conflicts between genres.*

**Key words and phrases:** *Postmodernism, postmodern novel, motif, narrators, polyphony, collage, game phenomenon, parody, pastiche, intertextuality.*

Постмодерн йўналиши дастлаб фалсафий оқим сифатида вужудга келган, сўнг меъморчилик соҳасида янги метод сифатида қўлланган, кейинчалик унинг адабиётга кўчиб, энг охирида тарих, сиёсат ва иқтисодда намоён бўлган. Аввало, Ницше ва Хайдеггернинг Ғарб тафаккури ва модернизмни танқид қилган мақолалари постмодернизмнинг ибтидосида муҳим рол ўйнади.<sup>91</sup> Сиёсий-ижтимоий вазият ҳам бу омилларни дастаклади, хусусан, 1968 йилдан кейин Францияда кузатилган талабалар ҳаракати, турли дунёқарашдаги гуруҳларнинг янгича дунёқараши жараёни янада авж олдирди. Фуко, Деррида, Жан Франсуа Лётард, Бодриляр каби олимларнинг тил, тарих, адабиёт ва фалсафа соҳасидаги янгича қарашлари постмодернизм ёйилишида муҳим аҳамият касб этди. Шу жиҳатдан, постмодернизмнинг пайдо бўлиши 1960 йилларнинг охирига, Францияга бориб тақалади. Ғарбнинг рационал, модернистик тафаккурини тубдан шубҳа остига қўювчи, унинг инсон ва воқеликка бўлган ишончини инкор этувчи постмодерн қарашлар ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб турли соҳаларда фаол ҳаракатлана бошлади.

“Постмодернизм” тушунчасига модернизмга қарши ишлаб чиқилган тартиб ва ғоялар шакли сифатида қаралади. Постмодернистлар учун дастлаб асосида модернизм ётадиган фалсафа танқид нишонига айланган Ницше ва Хайдеггер таълимотлари эса постмодернизмнинг илк учқунларига асос бўлган. *“Ницше ўзининг бутун йигирма жилдлик асарлари ва олами қамраган ғоялари билан осмон сари қўйилган ва учи ҳам, қаерга қўйилганлиги ҳам кўринмай кетган маълум бўлмаган нарвонга ўхшайди. Ницше шу нарвондан туганмас тафаккур юксакликларига кўтарилди”,*<sup>92</sup> деб ёзган эди адабиётшунос Иброҳим Ғафуров. Шу маънода постмодернизм йўналишининг илдизлари ҳам бевосита Ницше таълимотидан озикланганини таъкидлаш ўринли бўлади. Ницшенинг фалсафий таълимоти сабаб-оқибат муносабатларини тушунишга асосланади. Хайдеггернинг таълимоти эса модернизмни тубдан рад этиш, модернизмдан олдинги жамиятларда фикр ва турмуш тарзини ҳимоя қилиш хусусияти постмодернистларга ҳам таъсир кўрсатганига урғу берган.

<sup>91</sup> Ницше Ф. и др. Сумерки богов.-М.: Политическая литература, 1990

<sup>92</sup> Иброҳим Ғафуров. Ҳаё – халоскор: Биринчи китоб. – Т.: Шарқ, 2006, 352-бет

Постмодерн тушунчасининг асосий тушунчаларидан бири “**Буюк сюжетларнинг якуни**” нуқтаи назари бўлиб, бу тушунча 1960-йилларда Америкада биринчи марта тилга олинган. Мазкур тамойил янги адабий эстетик тафаккурнинг илк дебочаси эди дейиш мумкин ва бу постмодерн концепциясининг муҳим бўлаги сифатида қаралган. Ўз ўрнида “буюк сюжетларнинг якуни” тушунчаси метафантастика сўзи билан ҳам аталади. Янги оқим вакиллари модернизм адабий эстетик тафаккур тараккиётига фойдасиз деб ҳисоблашаркан, унинг оқибатларни нимага олиб келиши мумкинлигига шубҳа билан қарашган. Постмодерн тафаккурнинг асосий негизи интиҳога урғу беради. Бунда тарихнинг якуни, башариятнинг якуни, илм-фаннинг якуни каби қарашлар ўртага чиқади. Шунинг учун постмодерн муносабат баъзан фитнакор интеллектуал ҳаракатга айланади. Кўхна ва янги, оддий ва ғайриоддий, материя ва метафизика, ҳақиқий ва хаёлий каби ўзаро зиддиятли боғланган қадриятлар тўқнашувида элитизм (ҳокимиятда элита бўлиши керак деган тамойил) билан бирга популизм маъқулланади. Плюрализм фалсафасида ўртадаги маълум бир тафовутларга тоқат қилиш, уларнинг мавжудлигини қабул қилиш ва унга икром бўлиш каби демократик туйнукларни очишса, постмодернизм дунёни идеаллаштирилган утопия сифатида эмас, балки борича қабул қилиш тенденциясини қабул қилади. Шу сабабли постмодернизм мавжудликни, конкретликни илгари суради ва уни юксалтиришга ҳаракат қилади.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, “постмодернизм” тушунчасини биринчи марта тарихчи Арнолд Тойнби “Тарихни ўрганиш” (1947) китобида қўллаган. Тойнби Ғарб цивилизациясининг “постмодерн давр” деб аталган жараёнга кирганини ва 1950 йилларда кенг тарқала бошлаган бу атама 1960-1970 йилларда кўплаб мутафаккирлар томонидан муҳокама қилинган тушунчага айланганини таъкидлади.<sup>93</sup> “Адабиётшунослик луғати”да ҳам шу факт келтирилган: *“Постмодернизмнинг юзага келиши вақти, ўзига хослиги масаласида турлича фикрлар мавжуд. Айрим мутахассислар постмодернизм 40-йилларда Ж. Жойснинг «Финнеган маъракаси» (1939) асари билан бошланган деса, бошқалари ўтган асрнинг ўрталарини, яна бир хиллари 70-80-йилларини кўрсатадилар. Ҳолбуки, постмодернизм термини анча аввал пайдо бўлган: илк бор П. Виннитснинг “Европа маданияти инқирози” (1917) асарида ишлатилган бўлса, Тойнбининг “Тарихни ўрганиш” (1947) асарида термин културологик маънода, жаҳон маданиятида европосентризмнинг барҳам топиши маъносидан қўлланади”*.<sup>94</sup> Жан-Франсуа Лётарднинг 1979 йилда ёзган “Постмодерн вазият” китоби чиққандан сўнг, “постмодерн” тушунчаси 80-йилларда ижтимоий тузилмани ташкил этувчи ҳар бир параметрдан ўрин ола бошлади.<sup>95</sup> Бугунги кунгача нафақат адабиёт, балки, барча соҳаларда конструктив постмодернизм, экологик постмодернизм, реконструктив постмодернизм, фундаментал постмодернизм каби атамалар қўлланиб келади. Адабиётшуносликда постмодернизм термини “XX асрнинг

<sup>93</sup> Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. Тошкент: Мумтоз сўз, 2014, 312-бет

<sup>94</sup> Куронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. -Тошкент: Академнашр, 2010.

<sup>95</sup> F.Jameson, J.F.Lyotard, J.Habermas, Postmodernizm, Kiyi Yayınlari, Istanbul, 1994, S.45-46

*20-йиллариданоқ ишлатилган бўлиб, у адабий жараёндаги модернизмга акс таъсир ҳодисаларини, 60-70-йиллар америка адабий танқидчилигида эса ултрамодернистик ижодий тажрибаларни англаган...<sup>96</sup>*

Постмодернизм маърифатпарварлик ва модернизм адабий йўналишларининг асосий тамойилларини инкор этмайди, эски лойиҳаларни рад этмайди, лекин унинг ўз лойиҳаси бор. У турли маданиятлардан ташкил топган глобал цивилизация ўрнатилишини хоҳлайди. Инсон шахсияти, маданиятлари ва цивилизацияларидаги парчаланиш ва иерархияга қарши чиққан постмодернизм одамлардаги психологик мувозанат ва яхлитликни сақлаш, Ғарб маданияти ва цивилизацияларида мукамал интеграцияни мақсад қилган. Шундай қилиб, постмодернизм дунёнинг эстетик манзарасини ўзгартириб юборди. Маълум тушунчалар тескарисига алмаштирилди ёки янги тушунчалар пайдо бўлди, бир маънолилик ўрнини полисемия эгаллади. Постмодернизм ҳамма нарсага шубҳа билан қараш мумкин, деган фикрни ўртага ташлади. Постмодернизмда ижодкорликнинг намоён бўлиши билан бадиият чегаралари ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолди, танланганлик эксклюзивлик ўрнини эгаллади, субъект ва объект ўртасидаги муносабат индивидуал тус олди. Санъатни мулоқот шакли деб билган бу ҳаракат вакиллари визуалликни гоҳ восита, гоҳида мақсад қилиб олишди. Постмодернизм маълум тушунчалар асосида қурилган. Плюрализм, фарқлилик, ҳаётий-нореал, маъноли-маъносиз каби зиддиятларни таҳлил қилиш постмодернни ифода қилувчи тушунчалардир. Дилек Долташ постмодернизмни “бузғунчи” деб атади ва унинг янгилик қила олмаслигини назариётчи Фостернинг фикрлари билан изоҳлайди: *“Фостер постмодернизмни ечимлар бермайдиган, янги қадриятларни тақлиф қила олмайдиган ёндашув сифатида кўради, лекин у Ғарб одамларига модернистик фикрни инкор этиш техникасини ўргатади. Унинг асосий мақсади дунёни ўзгартиришидир. Постмодернизм ўлик сиёсий ҳаракатдир, чунки у буни уддалай олмайди”*.<sup>97</sup>

Агар инсон яшаган шарт-шароит ва вазият постмодерн бўлса, у яратган адабиёт постмодерн адабиёти бўлади, буни постмодернизмнинг энг муҳим назариётчиларидан бири бўлган француз мутафаккири Жан Франсуа Лётард **“постмодерн вазият”** ва **“ғайриоддий шароит”** дея таърифлайди.<sup>98</sup> У постмодерн адабиётни “ижтимоий ҳаёт адабиёти” деб баҳолаган. Постмодернизм йўналиши адабий дунёқарашда ҳам ўзгаришлар қилишга уринади. У адабиётдаги барча чегараларни олиб ташлайдиган дунёқарашни тарбияламокчи бўлади. Натижада адабиётдаги тасниф ва фарқлар ўз аҳамиятини йўқотади. Постмодернист ёзувчи учун роман билан газетадаги эълон ёки хабар ўртасида айтарли тафовут йўқ. Аслида, уларнинг барчаси умумий нутқдан иборат ва сўз иштирок этган ҳамма нарса матн ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, роман ёки газета рекламаларида ёзилган кичик матнни одатдагидек қабул қилиш керак. Адабиёт ва адабий бўлмаган асар ўртасидаги фарқ ўз аҳамиятини йўқотади.

<sup>96</sup> Қуроноф Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. -Тошкент: Академнашр, 2010.

<sup>97</sup> Dilek Doltaş, Postmodernizm Tartışmalar ve Uygulamalar, Telos Yayınları, 1999, s.192

<sup>98</sup> F.Jameson, J.F.Lyotard, J.Habermas, Postmodernizm, Kiyi Yayinlari, Istambul, 1994, S.45-46

Постмодерн адабиётининг мақсадларидан бири бўлган ўқувчини чалғитиш ёки онгни банд қилиш учун “такрорлаш” элементи зарур бўлади. Бир хил ҳодисаларни, вазиятларни ёки жумлаларни тез-тез такрорлаш орқали уларни таъкидлаш истаги намоён бўлади. Худди шу воқеа турли ровийлар томонидан ҳикоя қилинса, ўқувчи жумбоқли сюжет ортидан эргашади. Бу қолипнинг вужудга келишига фаннинг сабаб-оқибат муносабатлари сифатида пайдо бўлган “ноаниқлик, нисбийлик, эҳтимоллик” тушунчалари кучли таъсир ўтказган.

Постмодернизм тушунчасига “Адабиётшунослик луғати”да қуйидагича таъриф берилган: *“Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан адабиёт ва санъатда, умуман, ижтимоий-гуманитар соҳаларда кузатила бошлаган оқим, ижодий метод. Француз постструктурализмнинг деконструкция (Ж. Деррида), постфрейдизмнинг “шизоанализ” ва “онгсизлик тили” (Лакан, Ж. Делёз, Ф. Гаттари) таълимотлари ҳамда семиотикадаги киноявийлик концепцияси (У. Эко) постмодернизмнинг фалсафий асосини ташкил қилади”*.<sup>99</sup> Постмодерн ёзувчининг фикрича, ҳар бир матн холис ва нореал сўзлардан иборат бўлиб, уларга маданий келиб чиқиши, эстетик тафаккури ва савиясидан келиб чиқиб ўқувчининг ўзи маъно беради. Ҳар бир ўқувчи учун турли хил маъно мавжуд. Чунки ҳар бир ўқувчининг идрок мезонлари ўзгарувчан ва бир-бирини такрорламайди. Ўқувчи матнни конструкция сифатида қабул қилади. У ўзи аввал ўқиган матнларнинг атрибутларига кўра янги матнни англашга ҳаракат қилади ва бунда матнлараро алоқалар вужудга келади. Ҳар қандай камситиш ва табақаланишга қарши бўлган постмодерн адабиётида жанрлар ўртасидаги қоришиқлик, тасвирийлик, бошқа матнлар билан алоқадорлик, ўйин ва локал хусусиятлар муҳим аҳамият касб этди. Тартиб ва мутаносиблик ўз аҳамиятини йўқотди, матннинг ҳақиқийлиги шубҳа остига қўйила бошланди, пастиш ва пародия кенг қўлланилди.

Постмодерн адабиёти “ғайриоддий ижтимоий ҳаёт адабиёти”<sup>100</sup> сифатида адабиётда йигирманчи аср воқелигидан зериккан ўқувчи учун кўнгилочар майдонга айланиб, янада эркинроқ нуқтаи назарни илгари сурди. Постмодерн адабиётда “вақт” тушунчасига алоҳида урғу берилади. Вақт энди чизикли эмас, балки нисбийдир. Дарҳақиқат, вақт тушунчасини шубҳа остига олиш модернизмдан бошланган жараёндир. Модерн йўналишда инсон вақтни бошқара олмайди, вақт инсоннинг бошқарувчисига айланди. Модерн романнинг асосий мавзуларидан бири инсон ва замон ўртасидаги зиддиятдан келиб чиқадиган инқироз ҳолати эди. Постмодерн роман эса бу зиддиятни иронияга айлантиради ва киноя воситасида ундан адабий хомашё сифатида фойдалана бошлади. Модерн романда бўлгани каби постмодерн романда ҳам замондан замонга сакраб ўтиш усулидан тез-тез фойдаланилади. Постмодерн роман авангард шаклдаги экспериментлар, турли мафкуравий қарашлар билан уйғунлашган матнлар, янгича руҳда яратилган илмий-фантастик ва детектив

<sup>99</sup> Куронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. -Тошкент: Академнашр, 2010.

<sup>100</sup> F.Jameson, J.F.Lyotard, J.Habermas, Postmodernizm, Kiyi Yayinlari, Istanbul, 1994, S.45-46

саргузашт романларидан иборат бўлиб, воқеалар кутилмаганлик хусусиятга эга бўлади, баъзан ердан ташқари макон ва замонларда содир бўлади.

Постмодернизм йўналиши ҳақида М.Холбековнинг фикрлари ўринли: *“Постмодернизмнинг асосий объекти - матн. Постмодернизмда борлиқдаги жамики мавжуд (хоҳ у жонли, хоҳ у жонсиз бўлсин) нарсаларни қамровчи қоршима ҳукм суради, ҳаётдаги ҳамма нарсага нисбатан ишончсизлик нигоҳи билан қараш, истеҳзоли муносабатда бўлиш устунлик қилади, қолаверса, “Маданият ва санъат (шу жумладан адабиёт)ни билвосита билиш ёхуд Матндан олинган парча” унинг асосий тамойилига айланади*”.<sup>101</sup> Постмодерн асарда муаллиф ёки муаллиф-ровий борлиги доимо сезилиб турилади ва воқеанинг уйдирма эканлиги алоҳида таъкидланади. Муаллиф ёки муаллиф-ровий матнда ўқувчи билан асардаги воқеа ҳамда одамлар ҳақида мулоҳаза юритади, айрим хатти-ҳаракатларни маъқуллайди, бошқаларини эса танқид қилади. Бу классик услубдаги ёзувчининг холислик позициясига зид келади. Аммо постмодерн матн бу зиддиятни тан олмайди. Постмодерн матнда бир-бири билан боғланмаган ҳикояларнинг бир ҳикояга қўшилиши, хатто турли адабий жанрдаги матнларнинг ҳам ёнма-ён келиши ўзига хос услуб саналади. Бу адабий йўналиш жанрлар орасида тафовут бўлишига қарши чиқади, чунки постмодерн ҳеч қандай жанр чегарасида қолишни қабул қилмайди. Постмодернизм адабиётини кузатадиган бўлсак, бу йўналиш янги поетик тамойиллар ва янги эстетик тенденциялар яратишни даъво қилмайди. Ўзининг асосий хусусиятларини модерн адабиётдан олади. Метафантастика даражасига чиқадиган ўйин ҳодисаси, шакл экспериментлари ва ҳикоя қилиш усуллариининг хилма-хиллиги модернистик романнинг асосий элементлари ҳисобланади.

Постмодерн адабиёт монизмни инкор этиб, плюрализм тамойилини илгари суради. Постмодерн адабиётда бир-бирига қарама-қарши қадриятларни умумлаштириб, улардан янги дунё яратилади. “Моддий-маънавий, руҳ-тана, физика-метафизика, мавҳум-аниқ, ҳаёт-ўлим, ҳаққоний-фантастик, Шарқ-Ғарб каби кенг кўламли зиддиятлар постмодерн матнда уйғунлаштирилмасдан, балки бу қарама-қаршилиқлар умумлашмасидан янги дунё яралади”, деб ёзади Несрин Карача.<sup>102</sup> Шу жиҳатдан плюрализм постмодерннинг асосий элементларидан биридир. Унинг яна бир элементи фрагментация ҳисобланади. Кўп қатламли ва бир нечта маънога эга бўлган ташбеҳ-матнларнинг яхлит метафорик хусусияти постмодерн романнинг асосий бадиий тамойилларидан биридир. Бунда матнда **учта сатҳ** мавжуд бўлади: *1. Реалистик сатҳ, 2. Фантастик сатҳ, 3. Шахснинг ички дунёси (онг ости ёки хотира ичра саёҳатлари)*. Шахснинг ички дунёси билан боғлиқ сатҳга орзулар, армонлар, хотиралар, ишоралар, рамзлар ва бошқалар киради. Реалистик ва фантастик сатҳ матнда доимо ўзгариб туради.

Постмодернизмнинг яна бир элементи бу коллаж усули ҳисобланади. Асарда адабий матнлардан ташқари уларнинг орасига анъанавий баён услубидан ташқарига

<sup>101</sup> Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. Тошкент: Мумтоз сўз, 2014, 323-бет

<sup>102</sup> Nesrin T.Karaca, Türk Edebiyatında Postmodernizm, Ağustos 2011 - Yıl 100 - S.288

чиқадиган, белгиланган қоидаларга эга ва маъно яхлитлигини кўрсатадиган жумлалар – газета материалларидан парчалар, эълонлар, янгиликлар каби элементларни кўшиш орқали коллаж ҳосил қилинади. Постмодерн адабиётида *“элита ва оддий одамлар ўртасидаги тафовут синдирилади, постмодерн ёзувчи бу ишни амалга ошириш учун пародия-пастиш, тақлид ва кинодан фойдаланади. Шу билан бирга санъатдаги тафовутни қайта шакллантиради, оддий маданий кодлар ва қадриятларни мураккаб қадриятлар мажмуаси сифатида хослар ва оммага бир хилда тақдим этади”*.<sup>103</sup> Муҳаммаджон Холбеков постмодернизмнинг яна бир асосий тамойили деб ҳақиқатдан воз кечишни айтган: *“Постмодернизм руҳидаги маданият тушунчасида ҳақиқат (киши онги, тафаккурида, фикрида аслидай, аниқ ва тўғри акс этган объектив борлиқ, пировард натижада амалиёт унинг ягона мезонига айланади) – бу оддий сўз, холос, бу ерда ушбу сўзнинг маъноси эмас, балки унинг мазмуни, унинг этимологияси муҳимроқдир”*.<sup>104</sup>

Постмодерн матннинг энг муҳим хусусиятларидан бири бу **ўйин ҳодисасидир**. Матнда ҳамма нарса ўйин каби намоён бўлади. Тарихий ва хаёлий, ижтимоий ва ахлоқий мотивлар муаллиф томонидан ўйин сифатида тақдим қилинади. Детектив фантастика постмодерн адабиётнинг бу мақсадига энг катта хизмат қиладиган жанрдир. Қотиллик сабабларини ва ижрочиларини излаб, жиноятчининг изларини топишга уринаётган терговчининг саъй-ҳаракатлари билан юзага келадиган кескинлик ўқувчини ўзига жалб этиши, воқеалар оқимида эркин сузиши, вақтни мароқли ўтказиши ва матндан завқланиши учун айна муддао саналади. Ўқувчи бу жараёни худди топишмоқ ечаётган ёки бекинмачоқ ўйнаётгандай бошдан кечиради. Модернистлар воқеликни қайта талқин қилишса-да, постмодернизм вакиллари учун ҳақиқат деган тушунча йўқ. Матндаги ҳамма нарса ноаниқ ва жумбоқли бўлиб, жамлашдан кўрча парчалашга мойиллик кўпроқ сезилади. Постмодерн матнга кўплаб номоддий ҳодисалар киритилади, коллаж ва қайта ишлашга урғу берилади. Шу тариқа бадий адабиёт метафантастикага айланади. Постмодернизм оқими вакиллари *“ҳамма нарса кўзгу, асл деган нарсанинг ўзи йўқ ва ҳамма нарса тақлиддан иборат”*, деган қарашни илгари суришади.<sup>105</sup> Ровийнинг ҳам, қаҳрамоннинг ҳам позицияси ўзгариб, матнда ўқувчи энг аҳамиятли шахсга айланади. Муаллиф ўз матнини деярли ўқувчи билан бирга яратади ва бу жараёни адабиёт энди ўзини ўзи яратади, деб ҳисоблашади. Бошқа адабий маҳсулотлар матннинг мотивига айланиб, ёзувчи ва ўқувчи биргаликда матн тузишади. Бу йўналишдаги асарларни кузатар эканмиз, постмодерн матнлар жуда кўп маъно қарама-қаршиликларини ўз ичига олишини кўриш мумкин. Асар сўнггида атай ўқувчининг умидлари пучга чиқарилади. Мотивнинг асл манбасини пародия ва пастиш билан қадрсизлантириш уларнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Пародиядан фарқли ўларок, пастишда асл манба хурмат қилинади, киноя ёки мазахга ўрин берилмайди.

<sup>103</sup> Nesrin T.Karaca, Türk Edebiyatında Postmodernizm, Ağustos 2011 - Yıl 100 - S.288

<sup>104</sup> Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. Тошкент: Мумтоз сўз, 2014, 323-бет

<sup>105</sup> Jahon adabiyoti: modernizm va postmodernizm. O'quv qo'llanma / Ulug'bek Hamdam. – Toshkent: Akademnashr, 2020, 67-бет



Матн нафақат уни ёзган муаллифнинг нутқларини, балки матндаги кўплаб ровийларнинг нутқларини ҳам ўз ичига олганлиги сабабли, постмодерн асар полифоник композицияга қурилади. Яъни бир қанча матнлар ўзаро боғланган кўп қатламли тузилишга эга бўлади. Матнга турли элементларни киритиш орқали интертекстуаллик ҳосил бўлиб, у иқтибос, яширин иқтибос, тақлид, аллюзия, ҳавола, ҳикоя ичида ҳикоя каби кўплаб усулларни ўз ичига олади. Адабиётшунос Холбековнинг китобида *“Интертекстуаллик бадий матнда постмодернизм суянган асосий тушунча ҳисобланади. Маълумки, постмодернизм бадийят, шакл ва баён техникаси каби асосий элементларни модернизмдан ўзлаштирган”*, дейилади.<sup>106</sup>

**Интертекстуаллик** эса постмодернизм структурасида муҳим элемент ҳисобланади. Шунингдек, постмодернизмда полифония, хилма-хиллик, элита санъати ва оммавий маданият ўртасидаги масофани йўқотиш, санъат ва ҳаётни уйғунлаштириш, ёзиш жараёнида ўқувчини биргаликда ишлатиш, ўқиган нарсаси ҳақиқат эмас, балки ҳаётот маҳсули эканлигини доимий равишда эслатиб туриш, жанрлар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш каби элементлар мавжуд бўлади. Ҳаётот постмодернизмнинг асосий хусусиятларини яхлитлик ва тартибни инкор этувчи, ҳамма нарса ноаниқ ва жумбоқли, парадокслар ва тасодифлар бир-бирига боғланган матнлар ташкил қилади. Постмодерн романнинг муҳим ҳикоя қилиш усулидан бири бу метафиксация ҳисобланади. **Метафиксация** шунчаки муаллифнинг уйдирмаси эмас, балки адабий тушунчани ифодалаш усулидир. Бу тушунча биринчи марта 1960 йилларнинг охирида ёзилган романлар учун ишлатилган. *“Метафиксация атамаси умумий маънода, муаллифнинг ёзув атини бадий матннинг бир қисмига айлантириши, у қандай ёзганлигини тавсифлаш ва романдаги ёзув ати билан боғлиқ муаммолар ҳақида фикр билдириш мақсадида қўлланилади. Бу тушунча адабиётни ўйин сифатида қабул қиладиган дунёқараш маҳсули ҳисобланади. У субъект-объект, ички дунё-ташқи олам, тарих-ҳаётот қарама-қаршиликлари бир вақтнинг ўзида аралашган ёки биргаликда мавжуд бўлган плюралистик дунёни ас эттиради”*.<sup>107</sup> Қисқача қилиб айтганда, роман ёзиш жараёнида роман назариясини кўрсатиш адабиёт фанида метафиксация деб аталади. У ёзувчи асарни ёзиш жараёнида ўқувчи билан бевосита ва фаол мулоқот қилишини хоҳлайди.

Бадий асардаги образ ҳам ҳаётот ўйини учун муҳим восита ҳисобланади. Образ мавҳум воқеликни гавдалантириш ва уни бадий майдонга олиб чиқиш жараёнининг маҳсули саналади. Постмодерн матн ўқувчини маънодаги бўшлиқларни тўлдиришга мажбур қилади. Муаллиф ўз матнини яратиш давомида изчиллик ва тартибдан чиқиб кетиши сабабли матнда бўшлиқлар мавжуд бўлади. Бу камчиликларни тўлдириш ўқувчининг ихтиёрида қолади. Классик романда биз тугун асар охирида очилишига ўрганганмиз. Постмодерн романда эса яқун ўқувчи учун атайлаб мавҳум ва очик қолдирилади. Постмодерннинг яна бир элементи интертекстуаллик бўлиб, ҳикоя бир маданият доирасида содир бўлади, шунинг учун у нафақат биз яшаётган дунёнинг

<sup>106</sup> Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. Тошкент: Мумтоз сўз, 2014, 325-бет

<sup>107</sup> Nesrin T.Karaca, Türk Edebiyatında Postmodernizm, Ağustos 2011 - Yıl 100 - S.288

ҳақиқатларига, балки ундан олдинги бошқа ёзма ва оғзаки матнларга ҳам мурожаат қилиши мумкин. Бунда ўша мотив олинган манбаларга ҳаволалар берилади. Ушбу махсус ҳаволалар интертекстуаллик, яъни матнлараро алоқа деб аталади. *“Интертекстуаллик мавжуд манбага матн қўйиши ёки матнни ўзгартириши усуллари орқали яратилади. У метафиксациянинг бир қисми бўлиб, тўғридан-тўғри илгари ишлаб чиқарилган матнларга тақлид қилишдан кўра шахс ёки мотивга таъсир қилиши орқали янги матннинг эстетик сатҳи учун хомашё яратади. Натижада у метафиксация, фантастика, шакл, ҳикоя ва услуб каби барча элементлари билан постмодерн адабиётнинг эстетик қиёфасига айланади”*.<sup>108</sup> Ёзувчининг ўз асарини ўзидан аввал яратилган бошқа асарларга тақлид қилиб ёзиши ёки ўша мотивни қайта қуриши, тақлидга асосланган баён атамаси сифатида пародия ёки пастиш атамаси тилга олинади. *“Пародия ёки пастиш бошқа бир асарга янги контекстда тақлид қилиши усулидир”*.<sup>109</sup> Ҳақиқат ва фантастика чегаралари қоришиб кетган постмодерн асарда ёзувчи замон ва маконнинг боғлиқлигидан, ҳодисалар ўртасидаги сабаб-натижа муносабатларидан, образларнинг характерини тасвирлашдан четланган ҳолда, матнда ўзига хос ўзгаришлар яратади. Бунинг учун пародия ва пастиш энг унумли усулдир. Постмодерн ёзувчи ўзи учун янги хаёлий дунё яратар экан, аввалги даврлардаги матнлар оламини кезиб чиқади. Қадимги матнлардан гоҳ шахс сифатида, гоҳ образ ёки мотив, гоҳ баён техникаси ўрнида таъсирланиб, ўз асарини пародия ва пастиш сатҳида қуради. Бу услубга энг ёрқин мисол Эллери Куин ва Ниро Вулф томонидан яратилган Артур Конан Дейлнинг “Шерлок Холмс ва доктор Уотсон” туркум асари асосида битилган пародияларидир.

Улуғбек Ҳамдам постмодерннинг энг муҳим элементларидан бири сифатида **прония** усулидан кенг фойдаланиш эканини таъкидлайди ва Умберто Экони мисол қилиб келтиради.<sup>110</sup> Матнлар орасида сарсон-саргардон бўлиш, бошқа матндан манзара, мотив, хатти-ҳаракат намунаси, шахс характерини олиш, уларнинг бадий ва баён қилиш шакллари билан ўйин қилиш, бир позициядан иккинчисига ўтиш каби хусусиятлар бу постмодерн ёзувчи завқланадиган ва унинг ижодини ривожлантирадиган муҳим бадий сатҳдир. Матннинг полифоник ва плюралистик структурасини намоён этувчи бу муносабат ҳам постмодерн романнинг хаёлий элементиدير. Постмодерн матндаги яна бир элемент **тақлид** ҳисобланади. Тақлид матнда ташқи олам образлари маъносини ўз зиммасига олади. Ровий воқеани шунчаки баён қилиб бермайди, унинг ҳақиқат эканлигини даъво қилмайди, аксинча, у буни матн остига кодлаган тарзда амалга оширади. Унинг ҳикоясидаги хаёлий қаҳрамон икки чети сиқилган воқелик марказида қолиб кетади ва биздан бегоналашган дунё ҳаётини иккинчи қўли билан кўрсатиб туради. Турк постмодерн романчилигида турли ўлчам ва вазифаларда қўлланиладиган интертекстуаллик мана шу уч услуб: пародия-пастиш, киноя ва тақлидни асосий элементлар сифатида қабул қилган. Постмодерн

<sup>108</sup> Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. Тошкент: Мумтоз сўз, 2014, 327-бет

<sup>109</sup> Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. Тошкент: Мумтоз сўз, 2014, 322-бет

<sup>110</sup> Jahon adabiyoti: modernizm va postmodernizm. O'quv qo'llanma / Ulug'bek Hamdam. – Toshkent: Akadernashr, 2020, 67-бет

романда детектив элемент ҳам мавжуд бўлиб, қотиллик, жиноят воқеалари ҳақида ҳикоя қилинади. Агата Кристи, Артур Конан Дойл каби ёзувчилар томонидан чўққига чиқарилган детектив роман жанри постмодерн адабиётда ҳам муҳим ўрин тутди. *“Турк романчилигида детектив анъаналар Аҳмет Митҳатнинг “Жиноят сирлари” романи билан бошланган. Постмодерн романда баъзан детектив фантазия матннинг асосини ташкил этса, баъзан матнга ёрдамчи элемент вазифасини бажаради”*.<sup>111</sup>

Постмодерн баён услубида **тарих** тушунчаси ўзининг маълум маъносидан бутунлай узоқлашиб, мавҳумлик хусусияти ортади. Украин олими Затонскийнинг ёзишича, *“у муайян замон ва маконда содир бўлган воқеаларнинг сабаб-оқибат муносабатларига асосланган яхлит тузилмани кўрсатадиган, янги дунё ҳақиқатида ўзини қайта тиклайдиган тарих сифатида постмодерн романда намоён бўлади”*.<sup>112</sup> Тарих энди воқеаларнинг чизиқли занжири хронологияси эмас, балки постмодерн ёзувчининг ҳозирги замонда мавжуд бўлган ва янги хулосаларни келтириб чиқарадиган вақт бўлими сифатида хаёлий дунёни яратишга ёрдам берадиган ўйин майдончасидир. У бевосита замон тушунчаси билан чамбарчас боғланган. Постмодерн баёндаги “ўтмишга қайтиш” усули интертекстуаллик сатҳида пародия ёки пастиш кўринишидаги таҳрирлаш усуллари ўзгартирадиган янги трансформация ҳисобланади. Бошқача айтганда, постмодерн матндаги тарих ҳам ҳаққоний тарих каби ҳужжатли кўринишда бўлади, яъни у объектив ва конкрет воқелик хусусиятларига эга бўлиб, кишиларнинг ҳис-туйғулари, ўй-фикрлари билан ўз хотираларида шаклландиган янги бир воқеликдир, бошқача айтганда, у хаёлот маҳсулидир. Буни англаган ҳолда хаёлий образлар ўз ролларини ҳақиқий қаҳрамон сифатида ўйнайди, ҳақиқий тарихий шахслар эса образли кўринишда тасвирланади. Тарихнинг муҳим бурилишларида воқеалар марказида бўлган инсонлар тарихдаги позициялари билан эмас шахсий позицияси билан матнда пайдо бўлишлари постмодерннинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Постмодерн даврга ўтиши билан инсон ўзидан ва атроф-муҳитдан узоқлашди. Унинг шахси синдирилди, ўзига хослик жиҳатлари йўқотилган мавжудотга айланди. Муаллиф-ровий сингари унинг шахси ҳам ўзгаришга учраган ёки мунтазам ўзгариб турадиган сифатни намоён этади. Айни пайтда образлардан тузилган матн доирасида одамлар ва фигуралар ўзгариб боради. *“Баъзан ижобий образдан салбий образга айланади, баъзан ёвуз характердан олижаноб инсонга ўзгаради”*.<sup>113</sup> Постмодерн романда ҳикоя қилиш техникасининг ягона тури мавжуд эмас, лекин турли мақсадларда тузилган турли матнлардан иборат коллажлар яққол кўриниб туради. Ҳатто газета парчалари, эълонлар ва бошқа ёзувлар ҳам бадииятга зарар етказмаган ҳолда романга кўчирилади. Дарҳақиқат, замонавий рангтасвирда ҳам бу услуб мавжуд бўлиб, у коллаж деб номланади. Турк адабиётида **Ўғуз Атайнинг “Тутқич бермаганлар”**<sup>114</sup>

<sup>111</sup> Hakan Sazyek, “Türk romanında postmodernist yöntemler ve yönelimler”, Türk Romanı Özel Sayısı, Mayıs/Haziran/Temmuz 2002, s.493-509.

<sup>112</sup> Затонский Д.В. Модернизм и постмодернизм. – Харьков: Фолио, 2000, ст.64

<sup>113</sup> Nesrin T.Karaca, Türk Edebiyatında Postmodernizm, Ağustos 2011 - Yıl 100 - S.288

<sup>114</sup> **Oğuz Atay, Tutunamayanlar, İletişim Yayınları, İstanbul, 2022, s.724**

асарида шеърлар, мактублар, иншолар, энциклопедиялар, муқаддас китоблардан иқтибослар, автобиография ва бошқалар келтирилиб, постмодерн романнинг ҳикоя матнлари сифатида намоён бўлган. Роман ҳақидаги одатий тушунча ва унинг маълум назарий қоидаларини бир четга суриб қўйган постмодерн ёзувчи янги романда асосий эътиборни объектга қаратади, мавзуга мавҳум чизгилар билан ёндашади, воқеаларни тушунарсиз ва мураккаб тарзда, хиралаштириб тасвирлайди. Шу билан бирга янги ҳикоя қилиш усулларини ўйлаб топади.

Ўтган асрнинг охирларига келиб, “муҳтарам ўқувчи, фаол китобхон, яхши тайёрланган китобхон, онгли ўқувчи, хос китобхон” каби жумлалар ўз аҳамиятини йўқотди. Бу каби ҳикоя тарзини ўқиш китобхон учун қулайлик туғдиради. Постмодерн матнни эса қандай ўқиш кераклигини билиш зарур бўлади. Улар ўқувчига унинг фақат битта ҳикояси, яъни муаллиф ёзган ҳикояси борлигини эслатади. Лекин ёзилган ва ёзиладиган бошқа ҳикоялар сон-саноксиз. Ўқиладиган китоб эса ўзгаришга мойил бўлиб, ўтмиш ва келажак ҳикояларининг ҳар бири билан алоқадор деб ҳисоблашади. Постмодернистлар бу китоб охирги китоб эмаслигини, ҳеч бир матн охирги китоб бўлмаслигини уқтирмоқчи бўлишади. Турли мустақил матнлардан ташкил топган матнлар коллажи сифатида тузилган асар Шарқ ёки Ғарбнинг турли маданиятлари маҳсулларидан иқтибос келтирган, метафорик элементлар, ўйин ва тақлидга қурилган конструкциядир. Асар мазмуни ҳам мавҳум ва сирли кўринади. Ўқувчи мутолаа давомида ўзаро боғланган ва бошқасига эвриладиган структурани назардан қочирмаслиги керак. Постмодерн тушунчасига даставвал социологик контекстда қаралган. Санъат ва адабиётда янги оқим кириб келаркан, бу ўша давр ва жамиятдаги ижтимоий кайфиятнинг маҳсули бўлади. Лётард постмодернизм 20-асрнинг иккинчи ярмида ўша даврда ҳукмронга айланиб бораётган модернизм йўналишининг тамойиллари ва шартларига қарама-қарши оқим сифатида сифатида пайдо бўлганини айтади.<sup>115</sup> Давр ва жамиятнинг ижтимоий кайфияти модернистлар баҳолаган тарзни инкор этмасди. Марказида инсон турувчи янги адабий дунёни яратиш, инсонни энг бебаҳо ганж сифатида эътироф этиш, унинг жамиятдаги фаровонлиги ва бахтиёрлигини таъминлашни мақсад қилган модернизм ўтган асрнинг ўрталаригача бўлган жараёнда аҳамиятга молик ижобий натижаларга эришди. Аммо улар илгари сурган улкан ғояларни амалга оширишда универсал миқёсдаги муваффақият етарли даражада бўлмаганини қайд этиш жоиз. Европа қитъасида аланга олган икки жаҳон уруши ҳам модернизмнинг инсониятга берган ваъдаларини муносиб равишда бажара олмаслиги ойдинлашди. *“Таъкидлаш лозимки, жамиятда модернизм янги дунёнинг цивилизация лойиҳаси сифатида қаралиб, оқибатда бу миссияни удалай олмади. Оқибатда инсон онги жиддий руҳий инқироз кўчасига келиб қолди. У умид қилган манзилга модернистик йўналиши чизиб берган йўл орқали бориш мураккаблик туғдиришини, ҳатто бу йўлнинг охири бўлмаслиги ҳам мумкин экани*

<sup>115</sup> F.Jameson, J.F.Lyotard, J.Habermas, Postmodernizm, Kiyi Yayinlari, Istanbul, 1994, S.45-46

*давринг умумий ижтимоий манзарасида намоён бўла бошлади*”;<sup>116</sup> дейди Затонский. Инсон қадриятлар ва анъаналар эврилиши билан бирга ўз эркидан узоқлашди. Бу жараён XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб модернизм ва уни юзага келтирган ижтимоий воқеликнинг ҳар бир элементи ва тамойилини танқидий баҳолаш учун замин яратди. Натижада санъат ва адабиётда янги бир оқимга эҳтиёж туғилди. Адабиёт инсониятнинг онги ва тафаккурини янги ўзанга буриши зарур бўлган паллада постмодернизм ғояси ўртага ташланди. Адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам бу жараёнга шундай таъриф берган: *“Янгиланаётган бадиий тафаккур маҳсули, баъзан гўё ҳамма нарса ёки ҳеч нарсадек таассурот қолдиради ўқувчида*”.<sup>117</sup>

Постмодернизм, энг аввало, модернизмнинг рационалистик асосларини ва у пайдо қилган кайфият доирасида вужудга келган барча адабий анъаналарни танқид қилиш ва инкор этиш жабҳасига айланди. Модернизмнинг асосий таянчи тарих билан ҳозирги давр ўртасидаги узилишни назарда тутди. Санъатдаги постмодернизмнинг қарама-қаршилиги эса модернистик санъатнинг индивидуаллик, элитизм ва миссионерлик каби асосий қадриятларига қаратилган. Шу каби умумий тенденциялар нуқтаи назаридан постмодернизмнинг адабиётдаги асосий эътибори роман жанрига қаратилди. Постмодерн роман услубияти ҳалигача тўлиқ ишлаб чиқилмаган, баҳсли масала бўлса-да, унинг асосий хусусиятлари сифатида метафиксация, интертекстуаллик, детектив ва тарихий йўналиш санаб ўтилади. Ёзувчи ўзи кўриб чиқаётган мавзунини объектив воқеликда, ўша давр учун муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммо доирасида тасвирлайди. Асарда макон ва замон тарих билан боғлиқ бўлган тақдирда ҳам моҳият ёзувчи яшаб турган ижтимоий муҳитдан узоқлашмайди. Асари орқали ўқувчига мулоҳаза юритиш учун майдон ҳозирлайди. Ўқувчи асардаги персонажларнинг бадиий функцияси, макон ва замондаги тимсоллари, ёзувчининг матн остига кодланган ишораларини ечиш орқали ёзувчи таклиф этган мулоҳаза майдонига киради. Муаллиф кўлидаги кўзгу билан ўқувчисини ҳаётнинг ўзига таниш бўлган кўчаларида айлантириб юради. Реалист ёзувчи ҳаётни акс эттиришда фойдаланадиган мезонлар объектив воқелик сирасига киради.

Улуғбек Ҳамдамнинг ёзишича, *“постмодерн адабиёт ўз мазмун-кайфиятига кўра кўпинча қурамалардан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам уни ўқиган киши маъноларнинг тариқдек сочиб юборилганини кўради*”.<sup>118</sup> Адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев постмодерн санъатнинг салкам бир асрлик тараққиёт тарихини шартли равишда уч босқичга бўлади.<sup>119</sup> Биринчи босқич XX аср бошларидан 60-йилларгача бўлган шаклланиш даври бўлиб, унда постмодернизм асосан АҚШда меъморчилик, телевидение ва дизайнга тегишли бирмунча тор доирадаги ҳодиса сифатида мавжуд

<sup>116</sup> Затонский Д.В. Модернизм и постмодернизм. – Харьков: Фолио, 2000, ст.67

<sup>117</sup> Jahon adabiyoti: modernizm va postmodernizm. O'quv qo'llanma / Ulug'bek Hamdam. – Toshkent: Akadernashr, 2020, 61-bet.

<sup>118</sup> Jahon adabiyoti: modernizm va postmodernizm. O'quv qo'llanma / Ulug'bek Hamdam. – Toshkent: Akadernashr, 2020, 64-bet.

<sup>119</sup> Қозоқбой Йўлдош. Постмодернизм: моҳият, илдизлар ва белгилар. “Жаҳон адабиёти”, 2015 йил, 10-сон

эди. Иккинчи босқич – 60–70-йилларни ўз ичига олувчи оёққа туриш босқичи. Ўтган юзйилликнинг 60–70-йилларида Америкадан Оврўпога ўтиши билан постмодерн санъат ривожининг иккинчи даври юзага келди. Бу босқичдаги постмодерн яратикларга хос етакчи жиҳат плюрализм ва эклектизм эди. Бу давр постмодернизмнинг асосий белгиси ўтмишга киноявий назар, эски матнга янги маъно берадиган метатилдан фойдаланиш бўлиб, назарий асосчиси йирик итальян ёзувчиси ва олими Умберто Эко эди. Қозоқбой Йўлдошевнинг айтишича, постмодерн санъат тараққиётининг ҳозирги, учинчи босқичи 80-йиллардан бошланади.<sup>120</sup> Бунда назарий пойдевори Жак Деррида қарашлари асосида шаклланган бу босқичнинг яққол кўзга ташланадиган белгилари сифатида постмодерн яратикларнинг эротиклашиб бориши, уларда аёллар шахвонияти, одамнинг физиологик жинси билан психологик жинси ўртасидаги номувофиқликда намоён бўладиган тасвирига кўп ўрин берилиши каби жиҳатлар қайд этилган.

### Хулоса

Постмодерн адабиёти ноанъавий ижтимоий ҳаёт адабиёти сифатида адабиётда пайдо бўлди. Постмодернизм назариётчилари янги йўналишни модернизмга қарши ҳаракат ўлароқ баҳолашса-да, у ўзининг асосий хусусиятларини модерн адабиётдан олган. Метафиксация даражасига чиқадиган ўйин ҳодисаси, шакл билан боғлиқ экспериментлар ва ҳикоя қилиш усулларининг хилма-хиллиги модерн романнинг асосий элементлари ҳисобланади. Бу йўналиш ёзувчи учун адабий кенгликларда эркинлик, китобхонлар ичида оммабопликни кўзлаган. Постмодернизм янги поетик тамойиллар ва янги эстетик тенденциялар яратишни даъво қилмайди. Постмодернистлар наздида дунёда янги бир матн йўқ, барча матнлар ўзидан аввалги матнлардан олинган бўлади, уларни такрорлайди ёки қайта яратади. постмодерн адабиёт монизмни инкор этиб, плюрализм тамойилини илгари суради, адабиётда бир-бирига қарама-қарши қадриятларни умумлаштириб, улардан янги дунё яратишни мақсад қилади.

Постмодерн роман инсон ва замон ўртасидаги зиддиятни иронияга айлантиради ва киноя воситасида ундан адабий хомашё сифатида фойдаланади. Кўп қатламли ва бир нечта маънога эга бўлган ташбеҳ-матнларнинг яхлит метафорик хусусияти постмодерн романнинг асосий бадиий тамойилларидан бири ҳисобланади. Матн нафақат уни ёзган муаллифнинг нутқларини, балки матндаги кўплаб ровийларнинг нутқларини ҳам ўз ичига олганлиги туфайли постмодерн асар полифоник композицияга қурилади, яъни бир қанча матнлар ўзаро боғланган кўп қатламли тузилишга эга бўлади.

<sup>120</sup> Қозоқбой Йўлдош. Постмодернизм: моҳият, илдизлар ва белгилар. “Жаҳон адабиёти”, 2015 йил, 10-сон

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

## I. СИЁСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. - 56 б.

2. Шавкат Мирзиёев. «Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари» 4-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2020,-452 б.

3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида.// Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль. № 28 (6722)

## II. ИЛМИЙ ВА БАДИИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. “Адабиёт назарияси асослари”. Д.Қуронов. – Т: Академнашр, 2018, 370 б.

2. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Фан, 1967, 232 б.

3. Адабий тур ва жанрлар. 2 қисм. –Тошкент: Фан, 1992, - 247 б.

4. Ahmet Altan, Dört Mevsim Sonbahar, Everest Yayınları, İstanbul, 2013, s.224

5. Ahmet Altan, Tehlikeli Masallar, Everest Yayınları, İstanbul, 2013, s.248

6. Ahmet KAVAKLI, “Orhan Pamuk’un Romanlarına Bakışlar”, Türk Edebiyatı, Eylül 1992, Sayı: 227

7. Ahmet KAVAKLI, “Orhan Pamuk”, Türk Edebiyatı, Türk Edebiyatı Vakfı Yayınları, İstanbul 1994, Cilt: 5

8. Барт Р. Танланган тадқиқотлар. (Семиотика. Поэтика). - М.: Прогресс, 1989, - 466 с.

9. Бахтин. Вопросы литературы и эстетики. М.: Художественная литература, 1975, -235 с.

10. Белинский В.Г. Собрание сочинений в трех томах. Т.3. М., 1948, -384 с.

11. Berna Moran, Türk Romanına Eleştirel Bir Bakış 3, İletişim Yayınları, İstanbul, 1994.

12. Bilge Karasu, Kılavuz, Metis Yayınları, İstanbul, 2019, s.120

13. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Т.: Ўзбекистон, 2002, - 520 б.

14. Борева Ю.Ю. Эстетика. Теория литературы. Т.4. Литературный процесс. –М.: Наследие, 2002, - 624 с.

15. Борева Ю.Ю. Теория литературы // Энциклопедический словарь терминов. — М., 2003, - 575 с.

16. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. Услуб муаммосига назарий нигоҳ. — Тошкент: Фан, 1992, -360 б.

17. Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси. - Т.: “Mumtoz so‘z”, 2014.

18. Введение в литературоведение. – М., 1976, -520 с.
19. В.Г.Белинский. Адабий орзулар. Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
20. Гассет Х.О. Дегуманизация искусства. - М.: Радуга, 1991.
21. Гегель. Эстетика. И 4-х т. – М.: Искусства, 1971, -460с.
22. “Gelenek ve Yenilik”, Konuşmacılar: Enis Batur-Orhan Pamuk, Karşıdan Karşıya Geçerken Sanat, Yarı Kredi Yayınları, İstanbul, 1995
23. Gürsel AYTAÇ, “Cevdet Bey ve Oğulları”, Çağdaş Türk Romanları Üzerine İncelemeler, Gündoğan Yayınları, Ankara 1990, 1. Basım
24. Gündüz, Osman (2006), “Cumhuriyet Dönemi: Roman 1960 Sonrası”, Türk Edebiyatı Tarihi, C. IV, İstanbul: Kültür ve Turizm Bakanlığı Yayınları, I. Baskı, s.374.
25. Gürbilek, Nurdan (2001), “Orijinal Türk Ruhu”, Defter, 43, Bahar.
26. Gürbilek, Nurdan (2005), Ev Ödevi, İstanbul: Metis Yayınları, 3. Basım.
27. Gürbilek, Nurdan (2007), Vitrinde Yaşamak, İstanbul: Metis Yayınları, 4. Basım.
28. Дилмурод Куронов. Назарий қайдлар. Т.: Академнашр, 2018.
29. Dilek Doltaş, Postmodernizm Tartışmalar ve Uygulamalar, Telos Yayınları, 1999, s.192
30. Долгов К.М. От Киркегора до Камю. - М.: Искусство, 1990.
31. Doç. Dr. Nüket ESEN, “Huzur ve Kara Kitap'ta İstanbul'un Semtleri”, Varlık, Nisan 1998
32. Enver ERCAN, “Hayat Benim İçin Pek Çok Kaynaktan Aldığımız Etkilerle Bir Çeşit Sorun Çözmektir / Yeni Hayat”, Varlık, Şubat 1995
33. Enis BATUR, Orhan PAMUK, “Gelenek ve Yenilik”, Karşıdan Karşıya Geçerken Sanat, Yarı Kredi Yayınları, İstanbul 1995,
34. Эшонқул Н. «Мен»дан менгача. - Тошкент: Академнашр, 2014.
35. Ercüment DURSUN, “Kendimi Oryantalist Gibi Görmüyorum”, Aksiyon, 11-17 Şubat 1995
36. Fethi Demir, Orhan Pamuk'un romancılık kariyerinde bir geçiş romanı: Benim adım kırmızı, Uluslararası Sosyal Araştırmalar Dergisi, Cilt: 9, Ekim 2016
37. F.Jameson, J.F.Lyotard, J.Habermas, Postmodernizm, Kiyi Yayınları, İstanbul, 1994, S.116
38. Fethi Naci, "Beyaz Kale", 50 Türk Romanı, Oğlak Yayınları, İstanbul 1997
39. Fethi Naci, “Cevdet Bey ve Oğulları”, 50 Türk Romanı, Oğlak Yayınları, İstanbul 1997
40. Фитрат. Танланган асарлар. Иккинчи жилд. – Т.: Маънавият, 2000. – Б. 208.
41. Фрейд З. Психоанализ ҳақида бешта маъруза. -Тошкент: Мухаррир, 2019.
42. Füsun AKATLI, “Sessiz ve Ölü”, Milliyet Sanat, Yeni Dizi 88, 15 Ocak 1984
43. Жалолоддин Румий. Ичингдаги ичингдадур. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. -240 б.



44. Jahon adabiyoti: modernizm va postmodernizm. O'quv qo'llanma / Ulug'bek Hamdam. – Toshkent: Akademiya, 2020
45. Jale Parla, “Orhan Pamuk”un Romanlarında Renklerin Dili”. Orhan Pamuk’un Edebi Dünyası. Nüket Esen - Engin Kılıç. İstanbul: İletişim Yayınları, 2008, s.120
46. Coşkun Çokyigit Coşkun (1999). “Bütün Hikâyeler Bir Kelimedir!”, Türk Edebiyatı Dergisi
47. Жўраев Т. Онг оқими. Модерн. - Фарғона: Фарғона, 2009.
48. Иброҳим Ғафуров. Ҳаё – халоскор: Биринчи китоб. – Т.: Шарқ, 2006. – 384 бет.
49. Исоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. - 304 б.
50. İhsan Oktay Anar, Puslu Kıtalar Atlası, İletişim Yayınları, İstanbul, 2021, S.238
51. İhsan Oktay Anar, Kitab-ül Hiyele, İletişim Yayınları, İstanbul, 2018, S.154
52. Йўлдошев Қ. Сўз ёлқини. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009, -504 б.
53. Каримов Б. Рухият алифбоси. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016, - 364 бет.
54. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2009. - 448 б.
55. Kundera, Milan, Roman Sanatı, Çev: Aysel Bora, İstanbul: Can Yayınları, II. 2005.
56. Kurdakul, Şükran, Şairler ve Yazarlar Sözlüğü, İstanbul: İnkılap Yayınları, 6. Baskı, 1999, s. 643.
57. Küçük, Yalçın (1988), Küfür Romanları, İstanbul: 2. Baskı, Tekin Yayınevi.
58. Kahraman, Hasan Bülent (2009), Post-Entelektüel Dönem ve Edebiyat, İstanbul: Agora Kitaplığı.
59. Kahraman, Hasan Bülent, Ahmet Altan, Latife Tekin, Mehmet Eroğlu (1986), “Genç Romanımız”, Gösteri, 64, Mart, s. 4-8.
60. Kantarcıoğlu, Sevim (2007), Türk ve Dünya Romanlarında Modernizm, İstanbul: Paradigma Yayınları.
61. Kaplan, Ramazan (1997), Cumhuriyet Dönemi Türk Romanında Köy, Ankara: Akçağ Yayınları, 3. Baskı.
62. Lucy, Niall (2003), Postmodern Edebiyat Kuramı, Çev. Ashhan Aksoy, İstanbul: Ayrıntı Yayınları.
63. Levent Mete, Aşk Romanları Yazan Adam, İletişim Yayınları, İstanbul, 2000, S.131
64. Latife Tekin, Berci Kristin Çöp Masalları, Can Yayınları, İstanbul, 2019, s.162
65. Литературный энциклопедический словарь Текст. / под общ. ред. В.М. Кожевникова, Л. А. Николаева. М.: Советская энциклопедия, 1987, -752 с.
66. Meriç, Cemil (1998), Kırk Ambar, C. I., İstanbul: İletişim Yayınları, I. Baskı.
67. Millett, Kate (1987), Cinsel Politika, Çev. Seçkin Selvi, İstanbul: Payel Yayınevi, İkinci Baskı.
68. Moran, Berna (1998), Türk Romanına Eleştirel Bir Bakış III, İstanbul: İletişim Yayınları, 4. Baskı.

69. Moretti, Franco (1990), “Kararsızlığın Büyüsü”, Çev: Yurdanur Salman, Defter, 12, Yaz, s. 119-126
70. Мавлоно Жалолиддин Румий. Най ноласи ҳикматлар. Тошкент: Юрист-медия маркази, 2011, -120 б.
71. Маҳмудов М. Талант ва ижод фалсафаси. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, -288 б.
72. Mehmet TEKİN, Romancı Yönüyle Orhan Pamuk ve Yeni Hayat, Öz Eğitim Yayınları, İstanbul 1997, 1. Baskı
73. Модернизм. Сборник. – М.: Искусство, 1987.
74. Мир без границ. Литературная беседа с австралийской писательницей Н.Крофтс // Звезда Востока. -Ташкент, 2014. №1.
75. Mürşit BALABANLILAR, “Nedir Yaşamı Anlamlı Kılan? / Kara Kitap”, Cumhuriyet Kitap, 23 Mart 1990
76. Муҳиддинов М. Комил инсон — адабиёт идеали. Тошкент: Маънавият, 2005,-208 б.
77. Назар Эшонқул. “Ижод фалсафаси” (“Мендан менгача”). Т.: Академнашр. 2018.
78. Nazar Eshonqul. Kitob bandasi. – Toshkent: Akademnashr, 2021
79. Nazlı Eray, Ay Falcısı, Can Yayınları, İstanbul, 1992, S.136
80. “Nedir Yaşamı Anlamlı Kılan?”, Cumhuriyet Kitap, 23.02.1990
81. Nesrin T.Karaca, Türk Edebiyatında Postmodernizm, Ağustos 2011 - Yıl 100 - S.288
82. Ницше Ф. и др. Сумерки богов.-М.: Политическая литература, 1990.
83. Nüket Esen, Kara Kitap Üzerine Yazılar, 1. Baskı: Can Yayınları, İstanbul 1992; 2. Baskı: İletişim Yayınları, İstanbul 1996
84. Oğuz Atay, Tutunamayanlar, İletişim Yayınları, İstanbul, 2022, s.724
85. Oktay Ahmet, Metropol ve İmgelem, İstanbul: İş Bankası Kültür Yayınları, 2002.
86. Oktay Ahmet, Romanımıza Ne Oldu?, İstanbul: Dünya Kitapları Yayıncılık, 2003.